

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.
- 1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш қўмитасининг 1994 йил 23 декабрдаги 763к-ПО сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.
- 1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:
- Ўзбек тилида:
- лотин алифбосида – “Qizilqumsegment” aksiyadorlik jamiyati (матн давомида Жамият деб номланади);
 - кирилл алифбосида – “Qizilqumsegment” акциядорлик жамияти;
- Рус тилида:
- акционерное общество “Qizilqumsegment”;
- Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:
- Ўзбек тилида:
- лотин алифбосида – “Qizilqumsegment” AJ;
 - кирилл алифбосида – “Qizilqumsegment” АЖ;
- Рус тилида:
- АО “Qizilqumsegment”.
- 1.4. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.
- 1.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 1.6. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.